



ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА БУХОРО ТЕАТРИ

Ғайбуллоев Бахтишод Бахшуло ўғли

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Санъатшунослик институти
(PhD) таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5658620>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-oktabr 2021
Ma'qullandi: 25- oktabr 2021
Chop etildi: 30- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Файзулла Хўжаев, газета,
зиёли, Бухоро, анъанавий
театр, сахна, спектакль,
томошобин.

ANNOTATSIYA

Файзулла Хўжаев Бухоро тарихида ўз ўрнига эга. Мақолада Шунинг билан ўша даврлардаги давлат бошқарувидан ташқари Бухорода дастлабки газеталарни очилишига, ёшларни чет элларда ўқиб келишига, халқ ичида зиёли инсонларни кўпайишига ва Бухорода театр очилишига қўшган ҳиссалари ҳақида тўхталиб ўтилган. Файзулла Хўжаевни Бухорода очилган илк театрдаги аҳамияти хусусида сўз боради

Халқ анъанавий театрини юртимизнинг барча ҳудудлари қатори Бухоро амирлигининг деярли барча ҳудудлари қишлоқ ва шаҳарларда кенг тарқалгани турли хил манбаларда келтириб ўтилган. Албатта, ҳар бир театрнинг пайдо бўлишида анъанавий театрнинг ўрни катта.

Аҳмад Донишнинг орзу истакларини жадидлар давом эттиришган. Бухоро амирлигидаги жадидлар партияси (фирқси) дастлаб “Тарбияти атфол” (“Болалар тарбияси”) махфий жамияти шаклида тузилган. 1910 йилдан “Ёш бухороликлар” партияси деб аталган. Унга тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари бўлган. Улар бошида мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислоҳотлар ўтказиш орқали Амирнинг мутлоқ

ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган. Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукамил Бурҳонов, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Отаулла Хўжаев, Аҳмаджон Ҳамдий (Абдусаидов), Ҳомидхўжа Меҳрий, Муса Саиджонов, Мирза Сирож Ҳаким, Жўрабоев ва улар ичида катта рол ўйнаган Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуровлардир. Ёш бухороликлар иқтидорли ёшлари Истанбул, Қозон, Уфа ва Боқчасаройга ўқишга жўнатилган. Ҳатто Истанбулда “Бухоро таълими маориф уйи” ташкил қилинган. Уларнинг асосий мақсади янги усул мактабларини очиш, болаларнинг саводини тезроқ чиқариш, ижтимоий онгини ўстириш, мактаб, мадраса ўқув тизмини ислоҳ қилиш эди.

1912 йилда Бухорода дастлабки газеталар тожик тилида “Бухоройи



шариф” ва ўзбек тилида “Турон” газеталари чиқа бошлаган. 1913 йил январь ойида рус маъмурлари томонидан газета чиқариш тақиқлаб қўйилган. Истамбулда таълим олиб қайтган Бухороликларнинг юртига қайтиши билан маориф иши яна жонланган. 1920 йил 15 апрелдан Ёш бухораликлар партиясининг органи “Учкун” газетаси чиқа бошлаган ва унга муҳаррир Файзулла Хўжаев бўлган. У Тошкентда чоп қилиниб, Бухорода махфий равишда тарқатилган.

Ўзбекистон халқ артисти Марьям Якубованинг “Как я стала актрисой” китобида Бухоро амири саройидаги оммавий театр томошалари, рақс кечалари, кўғирчоқбозлар ўйини, шашмақом кечалари, маросимлар ва ижрочилар кийган либослар, тақинчоқлар ҳамда театрга хос бўлган либослар, томошалар ҳақида маълумот бериб ўтган. Яна бир маълумотда “Амирнинг катта хотини Ойимшоҳ ва Феруза яширинча саройга олиб кириладиган газеталарни мутолаа қилишарди”[1]–деб ёзган. Бундан кўриниб турибдики Бухорода ўша даврларда матбуот иши йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси халқ ичида илмли ва зиёли инсонлар кўпайишига туртки бўлган.

Тарихда маълумки 1920 йил 2 сентябрда Бухоро шаҳри босиб олинган ва Амир Олимхон ҳокимияти ағдарилиб ташланган. 1920 йилда Бухоро амирлиги ағдарилгандан сўнг амир саройидаги кийимлар Файзулла Хўжаев томонидан Бухоро ҳаваскорлар театр труппасига топширилган. Файзулла Хўжаев театр санъатига бефарқ бўлмаган. Шу кийимлардан биттаси амирнинг

маросимларда киядиган чопони Бухоро театрида, амир хотининг маросимларда кийган кийими Тамарахоним уй музейида ҳозирги кунга қадар сақланиб келинмоқда.

Файзулла Хўжаевнинг ёзишича “Бухорода инқилобдан олдин театр кўрилмаган. Кино ҳам шундай. 2,5 миллион аҳолига эга бўлган бутун мамлакат учун битта хухусий кинотеатр мавжуд эди. Аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ вазият қанчалик ёмонлигини кўрсастади, ҳатто расмий маълумотларга кўра, мамлакатнинг йиллик даромадидан бу эҳтиёжлар учун бир тийин ҳам сарфланмаган”[2]. Файзулла Хўжаев яъни 1920 йилдан олдин профессионал театр биноси йўқлигини назарда тутган. 1921-1922 йилга келиб Файзулла Хўжаев ташаббуси билан Бухоро театри ҳаваскорлар гуруҳи асосида ташкил қилинган. 1921 йилда Ҳазма Ҳакимзода Ниёзий бошчилигидаги Кўқон театр труппаси Бухорога гастролга келган. Театр труппа Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”, “Фарғона фожиалари” спектаклларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этган. (Ўзбекистон халқ артисти Шариф Қаюмов маълумоти). Спектаклларининг барчаси ҳаваскорлар гуруҳи учун катта маҳорат мактаби бўлган.

Бухоро театри ҳаваскорлар гуруҳи 1922-1923 йилларда Маннон Уйғур ва Ҳазма Ҳакимзода Ниёзий Файзулла Хўжаев таклифи билан “Туркистон табиби” “Тухматчилар жазоси” “Қармоқ”, “Фарғона фожиалари”, “Хур-хур”, “Қотил Карима” сахна асарлари ва концерт програмаларини халқ ичидан танлаб



олинган ҳаваскор актёр ва актрисалар билан саҳналаштиришган.

“1923 йил бошига келиб, Бухорода 17 та кутубхона ва ўқув зали, 1 та музей, 2 та драма тўғарақлари, 1 та театр ва 4 та кинотеатр мавжуд. 1924 йил 2 январда Эски Бухорода 60 кишилиқ клуб очилди”[3] – деб ёзади Файзулла Хўжаев ўз китобида. Бундан кўриниб турибдики 1921-1922 йиллар оралиғида сарой актёрлари ва ҳаваскорлар жамоаси ўз иш фаолиятини театр биносида давом эттирган.

Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ҳамза, Чўлпон ва Маннон Уйғур Бухоронинг турли шаҳарларида театр турупаларини ташкил қилишни бошлашган. Абдурауф Фитрат ўз уйи (Бухоро шаҳри Джержениский қадимий номи Рўғангарон 15 уйда болалар мусиқа ва санъат мактабини очган), Гиждувон шаҳрида (бу театр ҳозирги кунда ҳам халқ театри мақоми билан ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда), Туркманистоннинг Чоржўй туманида,

Бухоро шаҳри пионерлар саройи қошида (кейинчалик бу театр 1934 йилдан Бухоро ёш томошабинлар театри деб номланган ва бу театр 1966 йилгача фаолият юритган).

Маълумотларга қараганда шаҳар ва қишлоқлардан кўғирчоқбоз, раққос, мунаққидларни териб Бухоро ва Гиждувон шаҳрида кўғирчоқ театрларини ҳам очишган. Театрларда бирин-кетин ҳажвиялар, драматик ва мусиқали асарлар саҳналаштирилган. Бу даврда саҳналаштирилган асарларнинг кўпчилиги анъанавий театр андозаларидан келиб чиққан ҳолда саҳналаштирилган.

Хулоса қиладиган бўлсак 1920 йилда Амир Олимхон тахтдан ағдарилгандан сўнг 1922 йилда Файзулла Хўжаев ташабусси билан Бухорода театр очилган ва унга бадиий раҳбар этиб Маннон Уйғурни тайинланган. Салкам бир аср олдин очилган театр ҳозирги кунда ҳам ўз саҳна асарлари ва томошобинларига эга.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Марьям Якубува. Как я стала актрисой. Т.:Гафур Гуломо 1984.
2. Файзулла Ходжаев. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии (2 издание). Т. И. - Ташкент: "Фан", 1970.
3. Файзулла Ходжаев. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии (2 издание). Т. И. - Ташкент: "Фан", 1970.
4. Қ.Усмонов, М.Содиқов. “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)”. – Т.:Ўзбекистон 2010.
5. Файзулла Хўжаев. “Танланган асарлар”.–Т.:Фан 1976.